Ўзбекистон худудлари энг кадимги даврлардан бошлаб жахон цивилизациясининг ўчокларидан бири эканлигига илмий жихатдан хеч кандай шубха йўк. Ўзбекистон ва Ўрта Осиё худудларида олиб борилаётган кенг микёсдаги тадкикот ишларининг натижалари хам Ватанимизнинг жахон цивилизациясида тутган ўрнини тасдиклайди. Дунёнинг турли бурчакларида яшайдиган халкларнинг турли даврларда, ижтимоий-иктисодий ва маданий жараёнларда эришган ютуклари хамда тараккиёт боскичига кўтарилишини цивилизация тушунчаси ўзида акс эттиради. Бу тараккиёт боскичи инсониятнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, жамиятнинг ривожланиш даражаси, моддий ва маънавий маданиятнинг юксалиши, кабилалар ва халклар ўртасидаги ўзаро муносабатлар билан изохланади.
Ўрта Осиё цивилизацияси турли худудларда турли даврларда пайдо бўлди ва ривожланди. Мисол учун, жанубий худудларда яшаган кадимги кабилалар милоддан аввалги VI минг йилликдаёк дехкончиликка ўтиб, унумдор хўжаликни ривожлантирган бўлсалар, бу даврда шимолий худудлардаги кабилалар асосан овчилик, баликчилик ва чорвачиликнинг илк шакллари билан шугулланганлар. Бу нотекислик жараёнини табиий географик шароитлар ва ўзаро муносабатлар билан изохлаш мумкин. Бу ўринда Ўрта Осиёнинг чўл ва дашт худудлари хамда тоголди ва дарё вохалари худудларининг ривожланиш даражасидаги маданий нотекисликни таккослаб кўриш (Копетдог, Хисор, Зарафшон тоголди худудлари хамда Кизилкум, Коракум, Кашкадарё ва Зарафшон вохасининг дашт худудлари) мухимдир.
Ундан ташкари, Ўрта Осиёда турли-туман маданият яратган кадимги ахолининг неолит давридаёк, яъни милоддан аввалги VI-IV минг йилликлардаги ўзаро муноса-батлари ва бу ахолининг Шаркдаги, даставвал Олд Осиёдаги бошка кадимги цивилизация ўчоклари билан узвий алокада бўлиши хам махаллий цивилизациянинг ривож-ланишига катта таъсир кўрсатган.